



Танлов ҳужжатлари мазмуни :

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРҚНОМА

### 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕНТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Қўқон шаҳар Халқ таълими бўлими.
- 1.2 Танлов қиймати 17 442 000 (Ўн етти миллион тўрт юз қирқ икки минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3 Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларини техник қисмида илова қилинади.  
**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**
- 1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача.
- 1.5 Ишларни бажариш муддати - аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1 Қўқон шаҳар халқ таълими бўлими (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.  
“Буюртмачи” манзили Қўқон шаҳар Озодлик хиёбони кўчаси 20а-уй.  
Эл.манзил:
- 2.2 Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.3 Танлов Қўқон шаҳар халқ таълими бўлими “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:  
танлов предмети қийматининг ками 20 фоизи миқдоридаги айланма

маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларини беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ини бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларининг мулжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағ миқдори.

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ини бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириш лозим бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибда мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рўхсат этилади.

3.4 Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди.

Қайта ташкил этилиш (ажратилиш, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар, мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевоста ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) парталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2 Ихтиёрларга кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этиши мумкин.

4.3 Танлов ҳужжатларида кўйдагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши шарт.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир вароқни муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4 Кўйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5 Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкин

- Такдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларининг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- Таклиф бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартиш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1 Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 5.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларини аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 5.3 Танлов иштирокчиси такдим этлган барча хужжатларини хақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

- 6.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.
- 6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қодаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби давлат буюртмачисига сўров боришга Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, Буюртмачиси агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қодаларига доир тушунтиришлар мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслик керак.
- 6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланадихамда ундан ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачисибундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.
- 6.4. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.